



O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI PREZIDENTINING QARORI

2025 yil «12» avgust

№ПК-247

Якка тартибдаги тадбиркорлар ҳамда ўзини ўзи банд қилган шахслар учун қулай шарт-шароит яратиш чора-тадбирлари тўғрисида

Яширин иқтисодиёт улушини сезиларли даражада қисқартириш, солиқ солиш базасини кенгайтириш, жисмоний шахслар учун қонуний фаолиятнинг жозибадорлигини ошириш мақсадида **қарор қиламан:**

I. Мақсадлар ва устувор вазифалар

1. Қуйидагилар ушбу қарорнинг асосий мақсад ва устувор вазифалари этиб белгилансин:

(а) якка тартибдаги тадбиркорлар ва ўзини ўзи банд қилган шахсларнинг ихтиёрий равишда расмий секторда ишлашини рағбатлантирувчи рақобатбардош ва шаффоф тадбиркорлик муҳитини шакллантириш;

(б) маъмурий тартиб-таомилларнинг такрорланувчи ва ортиқча талабларини бекор қилиш, давлат рўйхатидан ўтказишдан тортиб ҳисоботни топширишгача бўлган барча асосий хизматларни бирлаштирувчи интеграциялашган рақамли платформалар яратиш, нақдсиз тўловларни қабул қилиш учун қулай ва самарали механизмларни жорий этиш.

II. Якка тартибдаги тадбиркорлар ва ўзини ўзи банд қилган шахслар учун махсус ҳуқуқий режим

2. Марказий банк, Истиқболли лойиҳалар миллий агентлиги, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳамда Солиқ қўмитасининг 2030 йил 31 декабрга қадар **тўлов ташкилотларининг рақамли платформалари** (кейинги ўринларда – рақамли платформалар) орқали якка тартибдаги тадбиркорлар ва ўзини ўзи банд қилган шахсларга давлат ва молиявий хизматларни онлайн тарзда кўрсатиш бўйича қуйидагиларни назарда тутувчи **махсус ҳуқуқий режимни** жорий этиш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин:

- (a)** барча зарур хизматларни қамраб олувчи рақамли платформаларни яратиш, хусусан:
- (i)** якка тартибдаги тадбиркор ва ўзини ўзи банд қилган шахс фаолиятини рўйхатдан ўтказиш ва тўхтатиб туриш;
 - (ii)** солиқларни автоматик равишда ҳисоблаш ва тўлаш;
 - (iii)** даромадлар тўғрисидаги маълумотлар асосида декларацияларни автоматик равишда тўлдириш;
 - (iv)** операцияларни реал вақт режимида фискаллаштириш;
 - (v)** банк ҳисобварақларини очиш, уланиш ва бошқариш;
 - (vi)** товар ва хизматлар реализацияси учун ҳисоб-китобларни амалга ошириш;
 - (vii)** жисмоний шахслар ўртасида ўзаро ҳисоб-китоблар, жумладан, пул ўтказмаларини амалга ошириш;
 - (viii)** солиқ ва бошқа ҳисоботларни автоматик равишда шакллантириш ва юбориш;
- (б)** аҳоли билан ҳисоб-китобларда рақамли платформалар орқали фискал чекларни шакллантириш ва бериш.

3. Белгилансинки, махсус ҳуқуқий режим доирасида:

- (a)** 2025 йил 1 ноябрдан бошлаб рақамли платформалар орқали масофавий биометрия воситаси ёрдамида идентификация қилиш ва мобил телефон рақамига СМС-хабар юбориш йўли билан якка тартибдаги тадбиркорлар ва ўзини ўзи банд қилган шахсларни давлат рўйхатидан ўтказиш имконияти яратилади;
- (б)** шартномалар, тўлов бўйича фармойишлар, электрон ҳисобварақ-фактуралар ва қабул қилиш-топшириш далолатномаларини (бажарилган ишлар тўғрисида) рақамли платформаларда масофавий биометрия воситаси орқали идентификация қилиш ва СМС-хабар орқали тасдиқлаш усули ёрдамида электрон рақамли имзодан фойдаланмасдан имзолашга рухсат этилади ҳамда бундай тарзда имзоланган ҳужжатлар қоғоз нусхадаги ҳужжатлар билан тенг юридик кучга эга ҳисобланади;
- (в)** рақамли платформаларда электрон ҳужжат айланиши бўйича тўлиқ хизматлар спектри кўрсатилади ва қуйидагиларни ўз ичига олган тўлиқ молиявий ва тўлов операциялари цикли амалга оширилади:
- (i)** электрон ҳамёнлар очиш ва уларга хизмат кўрсатиш;

- (ii) нақд ва нақдсиз пул маблағларини қабул қилиш, қайта ишлаш ва ўтказиш;
 - (iii) ўзаро ҳисоб-китобларни амалга ошириш учун тўлов реквизитлари ва матрицали штрих-кодларни (QR кодлар) генерация қилиш ҳамда тўловларни контактсиз “tap to pay” технологияси орқали қабул қилиш;
 - (iv) интеграциялашган банк ва тўлов хизматлари орқали маблағларни кириш қилиш, ўтказиш ва чиқим қилиш, пул оқимларини бошқариш;
 - (г) якка тартибдаги тадбиркорлар ва ўзини ўзи банд қилган шахслар учун рақамли платформаларда очилган электрон ҳамён тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун зарур бўлган ва даромадларни қабул қилиш, ходимлар, контрагентлар ва давлат органлари билан ҳисоб-китобларни амалга ошириш ҳамда солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўлаш учун мўлжалланган банкда очилган ҳисобвараққа тенглаштирилади. Бунда электрон ҳамёнга эга бўлган якка тартибдаги тадбиркорлар ва ўзини ўзи банд қилган шахслар учун банк ҳисобварақларини очиш ихтиёрий этиб белгилансин;
 - (д) рақамли платформалар солиқ органлари ахборот тизимларига тўлиқ интеграция қилинган бўлиши ва уларни яратган тўлов ташкилотлари махсус солиқ режимлари фойдаланувчилари ва Дастурий маҳсулотлар ва ахборот технологиялари технологик парки резидентлари ҳисобланмаслиги лозим.
4. Меҳнат муносабатларининг мослашувчанлигини ошириш мақсадида қуйидагиларни назарда тутувчи ходимларнинг меҳнати учун кунлик тўлов (“шу куннинг ўзида”) механизми тажриба тариқасида жорий этилсин:
- (а) ушбу механизмни қўллаш учун қуйидаги шартларга риоя этилиши лозим:
 - (i) ходим билан электрон меҳнат шартномаси тузилган бўлиши;
 - (ii) ходим рақамли платформаларда электрон ҳамёнга эга бўлиши;
 - (iii) солиқлар ва йиғимларни ҳисоблаб чиқариш ва тўлашни ўз ичига олган солиқ интизомига қатъий риоя қилиниши;
 - (б) механизм ихтиёрий асосда жорий этилади ва иш берувчини махсус ҳуқуқий режим доирасидан ташқаридаги меҳнат қонунчилигининг бошқа қоидаларига риоя этишдан озод этмайди;
 - (в) рақамли платформа оператори:
 - (i) ходимларга “шу куннинг ўзида” механизми бўйича иш ҳақи тўлаш учун тўлов воситаларини тақдим этади;

- (ii) механизмнинг самарали ишлаши учун давлат органларининг ахборот тизимлари билан интеграциялашувни таъминлайди.

III. Тадбиркорлик субъектлари ўртасида тенг шароитларни таъминлаш

5. Белгилансинки, 2026 йил 1 январдан бошлаб:

(а) қуйидагилар бекор қилинади:

- (i) якка тартибдаги тадбиркорлар учун қатъий белгиланган миқдорда жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғини тўлаш тартиби;
- (ii) солиқ даврида товарларни (хизматларни) реализация қилишдан даромади юз миллион сўмдан ошмаган ўзини ўзи банд қилган шахсларни айланмадан олинадиган солиқ тўлашдан озод қилиш тартиби;

- (б) йиллик айланмаси **1 миллиард** сўмгача бўлган якка тартибдаги тадбиркорлар ва ўзини ўзи банд қилган шахслар учун айланмадан олинадиган солиқ ставкаси **1 фоиз** миқдорида белгиланади;

(в) махсус ҳуқуқий режим доирасида:

- (i) жисмоний шахсларга товарларни (хизматларни) реализация қилишда маҳсулот ва хизматларнинг йириклаштирилган гуруҳ идентификация кодларидан фойдаланишга рухсат берилади;
- (ii) якка тартибдаги тадбиркорлар ва ўзини ўзи банд қилган шахсларнинг солиқ ҳисоботлари ва бошқа маълумотларининг тўғри шакллантирилиши ҳамда ўз муддатида солиқ органларига тақдим этилиши ва солиқларнинг тўланиши юзасидан жавобгарлик тўлов ташкилотлари зиммасига юклатилади;

- (г) якка тартибдаги тадбиркорлар ва ўзини ўзи банд қилган шахсларнинг солиқ даврида товарларни (хизматлар) реализация қилишдан олган даромадлари бир миллиард сўмдан ошганда ёки рақамли платформадан ташқари айланмалари бўйича солиқларни ҳисоблаш ва солиқ ҳисоботларини тақдим этишнинг Солиқ кодексида белгиланган амалдаги тартиби сақлаб қолинади.

- 6. Солиқ қўмитаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги билан биргаликда уч ой муддатда махсус ҳуқуқий режим доирасида якка тартибдаги тадбиркорлар ва ўзини ўзи банд қилган шахслар учун айланмадан олинадиган солиқ бўйича ҳисоботнинг соддалаштирилган шаклини тасдиқласин ҳамда солиқ ҳисоботини тўлов ташкилотлари томонидан рақамли платформа орқали солиқ органига тақдим этишни йўлга қўйиш мақсадида тегишли ахборот тизимларининг ўзаро интеграция қилинишини таъминласин.

IV. Давлат томонидан тартибга солиш воситаларини такомиллаштириш

7. Белгилансинки, 2026 йил 1 январдан бошлаб:

- (а)** якка тартибдаги тадбиркорлар ва ўзини ўзи банд қилган шахсларда рақамли платформаларда генерация қилинган электрон тўловларни қабул қилувчи махсус QR код мавжуд бўлиши чакана савдо қоидаларининг мажбурий талаби этиб белгиланади ва махсус QR код мавжуд эмаслиги назорат-касса техникасини ва (ёки) ҳисоб-китоб терминаллари қўлламасликка тенглаштирилади;
- (б)** рақамли платформалар орқали берилган харид чекларига нисбатан қонунчиликда белгиланган жисмоний шахсларга сотиб олинган товарлар (хизматлар) қийматининг 1 фоизини қайтариш тартиби қўлланилмайди;
- (в)** якка тартибдаги тадбиркорлар ва ўзини ўзи банд қилган шахсларга кредитлар олишда қулайлик яратиш мақсадида рақамли платформалардаги пул айланмалари тўғрисидаги маълумотлар кредит бюроларига киритилади.

8. Белгилансинки, мазкур қарорнинг 2, 3 ва 4 ҳамда 7-бандлари солиқ органларининг ахборот тизимлари билан интеграция қилинган электрон платформага эга агрегаторлар орқали йўловчиларни ташиш ҳамда буюртма асосида товарларни етказиб бериш хизматини амалга оширувчи ўзини ўзи банд қилган шахсларга нисбатан татбиқ этилмайди.

V. Рақамли платформаларни яратиш ва амалиётга жорий этиш

9. Тегишли вазирлик ва идоралар икки ой муддатда махсус ҳуқуқий режим доирасида рақамли платформалар операторларининг сўрови бўйича ушбу қарорда назарда тутилган давлат ва молиявий хизматларни кўрсатиши учун “Электрон ҳукумат” тизимининг идоралараро интеграциялашув платформаси орқали мавжуд маълумотлар, ҳақ тўламасдан ва тўсиқларсиз тақдим этиб борилишини таъминласин.

10. Адлия вазирлиги ва Солиқ қўмитаси 2025 йил 31 декабрга қадар тадбиркорлик субъектлари ва ўзини ўзи банд қилган шахслар реестрлари рақамли платформаларга интеграция қилинишини ҳамда якка тартибдаги тадбиркор ва ўзини ўзи банд қилган шахс сифатида масофавий рўйхатдан ўтиш учун техник имконият яратилишини таъминласин.

11. Марказий банк рақамли платформаларда электрон ҳамён функционалини жорий этишда:

(а) бир ой муддатда рақамли платформаларнинг тўлов функционали доирасида фойдаланиладиган электрон пулларнинг эмитенти сифатида банкларнинг иштирокини таъминлаш, унга тўлов тизимлари ҳамда электрон пуллар тўғрисидаги қонунчиликка мувофиқ электрон пулларни чиқариш, ҳисобга олиш ва қайтариш ҳамда рақамли платформаларга интеграция қилиш ҳуқуқи берилсин;

(б) Ўзбекистон Республикасининг тўлов тизимлари ва электрон пуллар тўғрисидаги қонунчилик талабларига, жумладан электрон пулларни чиқариш, фойдаланиш, ҳисобга олиш ва сўндириш, шунингдек, фойдаланувчиларни идентификация қилиш, шахсий маълумотларни ҳимоя қилиш ҳамда миллий тўлов инфратузилмасига интеграциялашувига риоя этилишини таъминласин.

VI. Қарор ижросини ташкил этиш ва назорат қилиш

12. Савдо-саноат палатаси, “Кичик бизнес” уюшмаси ва Солиқ қўмитаси якка тартибдаги тадбиркорлар ва ўзини ўзи банд қилган шахслар томонидан амалга ошириладиган тўловлар ва ҳисоб-китобларда QR-кодлардан фойдаланишни фаол ва кенг жорий этишга кўмаклашсин, рақамли платформалардан фойдаланиш афзалликларини тушунтириш бўйича кенг қамровли ишларни амалга оширсин, рақамли платформаларга ўтишни қўшимча рағбатлантирувчи чораларни кўрсин.

13. Иқтисодиёт ва молия вазирлиги **икки ой муддатда** тегишли вазирлик ва идоралар билан биргаликда мазкур қарор талабларидан келиб чиқиб, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш бўйича таклифларни Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

14. Ушбу қарор ижросини назорат қилиш Бош вазир ўринбосари Ж.А. Қўчқоров зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти**



Ш.Мирзиёев



O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI PREZIDENTINING QARORI

2025 yil «12» avgusta

№ПП–247

О мерах по созданию благоприятных условий для индивидуальных предпринимателей и самозанятых лиц

В целях существенного сокращения доли теневой экономики, расширения налогооблагаемой базы, повышения привлекательности законной деятельности для физических лиц **постановляю:**

I. Цели и приоритетные задачи

1. Определить основной целью и приоритетными задачами настоящего постановления:
 - (а) формирование конкурентной и прозрачной предпринимательской среды, стимулирующей индивидуальных предпринимателей и самозанятых лиц на работу в официальном секторе добровольно;
 - (б) отмену дублирующих и излишних требований административных процедур, создание интегрированных цифровых платформ, объединяющих все основные услуги от государственной регистрации до сдачи отчетности, внедрение благоприятных и эффективных механизмов для принятия безналичных платежей.

II. Специальный правовой режим для индивидуальных предпринимателей и самозанятых лиц

2. Одобрить предложение Центрального банка, Национального агентства перспективных проектов, Министерства экономики и финансов и Налогового комитета о внедрении до 31 декабря 2030 года **специального правового режима** по оказанию индивидуальным предпринимателям и самозанятым лицам в режиме онлайн государственных и финансовых услуг посредством **цифровых платформ платежных организаций** (далее – цифровые платформы), предусматривающего:

- (а)** создание цифровых платформ, включающих все необходимые услуги, в частности:
 - (i)** регистрацию и приостановление деятельности индивидуального предпринимателя и самозанятого лица;
 - (ii)** исчисление и уплату налогов в автоматическом порядке;
 - (iii)** заполнение деклараций на основе сведений о доходах в автоматическом порядке;
 - (iv)** фискализацию операций в режиме реального времени;
 - (v)** открытие, подключение и управление банковскими счетами;
 - (vi)** осуществление расчетов для реализации товаров и услуг;
 - (vii)** взаиморасчеты, в том числе денежные переводы, между физическими лицами;
 - (viii)** формирование и направление налоговой и другой отчетности в автоматическом порядке;
- (б)** формирование и выдачу фискальных чеков посредством цифровых платформ при расчетах с населением.

3. Установить, что в рамках специального правового режима:

- (а)** с 1 ноября 2025 года посредством цифровых платформ создается возможность государственной регистрации индивидуальных предпринимателей и самозанятых лиц посредством применения удаленной биометрической идентификации и СМС-уведомления на номер мобильного телефона;
- (б)** на цифровых платформах разрешается подписывать договоры, платежные распоряжения, электронные счета-фактуры и акты приема-сдачи (о выполненных работах) с использованием удаленной биометрической идентификации и подтверждения посредством СМС-уведомления без использования электронной цифровой подписи, при этом подписанные в таком порядке документы являются равными по юридической силе с бумажными копиями документов;
- (в)** на цифровых платформах оказывается полный спектр услуг по электронному документообороту и осуществляется полный финансовый и платежно-операционный цикл, включающий в себя:
 - (i)** открытие электронных кошельков и их обслуживание;
 - (ii)** прием, обработку и перевод наличных и безналичных денежных средств;

- (iii) генерацию платежных реквизитов и матричных штрих-кодов (QR-кодов) для осуществления взаимных расчетов, а также прием платежей посредством бесконтактной технологии «tap to pay»;
 - (iv) оприходование, перевод и расходование средств, управление денежными потоками посредством интегрированных банковских и платежных услуг;
 - (г) электронный кошелек, открытый на цифровых платформах для индивидуальных предпринимателей и самозанятых лиц, приравнивается к открытому в банке счету, необходимому для осуществления предпринимательской деятельности и предназначенному для получения доходов, проведения расчетов с работниками, контрагентами и государственными органами, уплаты налогов и других обязательных платежей. При этом открытие банковских счетов для индивидуальных предпринимателей и самозанятых лиц, имеющих электронный кошелек, определить как добровольное;
 - (д) цифровые платформы должны быть полностью интегрированы с информационными системами налоговых органов и создавшие их платежные организации не должны являться пользователями специальных налоговых режимов и резидентами Технологического парка программных продуктов и информационных технологий.
4. В целях повышения гибкости трудовых отношений внедрить в порядке эксперимента механизм ежедневного платежа («в тот же день») за труд работников, предусматривающего нижеследующее:
- (а) для применения данного механизма необходимо соблюдение следующих условий:
 - (i) заключение электронного трудового договора с работником;
 - (ii) наличие у работника электронного кошелька на цифровых платформах;
 - (iii) строгое соблюдение налоговой дисциплины, включающей в себя исчисление и уплату налогов и сборов;
 - (б) механизм внедряется на добровольной основе и не освобождает работодателя от соблюдения других положений трудового законодательства, выходящих за рамки специального правового режима;
 - (в) оператор цифровой платформы:
 - (i) предоставляет работникам платежные средства для оплаты труда по механизму «в тот же день»;

- (ii) обеспечивает интеграцию с информационными системами государственных органов для эффективного функционирования механизма.

III. Обеспечение равных условий между субъектами предпринимательства

5. Установить, что с 1 января 2026 года:

(а) отменяются:

- (i) порядок уплаты налога на доходы физических лиц в фиксированном размере – для индивидуальных предпринимателей;
- (ii) порядок освобождения от уплаты налога с оборота самозанятых лиц, доход которых от реализации товаров (услуг) за налоговый период не превышает сто миллионов сумов;
- (б) ставка налога с оборота для индивидуальных предпринимателей и самозанятых лиц, годовой оборот которых составляет до 1 миллиард сумов, устанавливается в размере 1 процента;**

(в) в рамках специального правового режима:

- (i) физическим лицам при реализации товаров (услуг) разрешается использовать укрупненные групповые идентификационные коды продукции и услуг;
- (ii) ответственность за надлежащее формирование налоговой отчетности и других сведений индивидуальных предпринимателей и самозанятых лиц, а также представление их в налоговые органы и уплату налогов в установленные сроки возлагается на платежные организации;
- (г) при превышении доходов индивидуальных предпринимателей и самозанятых лиц от реализации товаров (услуг) одного миллиарда сумов в налоговый период, а также по их оборотам за пределами цифровых платформ сохраняется действующий порядок, установленный в Налоговом кодексе по исчислению налогов и представлению налоговой отчетности.**

6. Налоговому комитету совместно с Министерством экономики и финансов в трехмесячный срок в рамках специального правового режима утвердить для индивидуальных предпринимателей и самозанятых лиц упрощенную форму отчетности по налогу с оборота, а также обеспечить взаимную интеграцию соответствующих информационных систем в целях организации представления платежными организациями налоговой отчетности налоговому органу посредством цифровых платформ.

IV. Совершенствование средств государственного регулирования

7. Определить, что с 1 января 2026 года:

- (а)** устанавливается обязательное требование правил розничной торговли касательно наличия у индивидуальных предпринимателей и самозанятых лиц специального QR-кода, принимающего электронные платежи, генерированные на цифровых платформах, и отсутствие специального QR-кода приравнивается к неприменению контрольно-кассовой техники и (или) расчетных терминалов;
- (б)** к покупным чекам, выданным посредством цифровых платформ, не применяется установленный законодательством порядок возврата 1 процента от суммы товаров (услуг), приобретенных физическими лицами;
- (в)** в целях создания индивидуальным предпринимателям и самозанятым лицам удобств при получении кредитов сведения о денежных оборотах на цифровых платформах вносятся в кредитные бюро.

8. Определить, что пункты 2, 3, 4 и 7 настоящего постановления не применяются к самозанятым лицам, оказывающим услуги по перевозке пассажиров и доставке товаров посредством агрегаторов, имеющих электронные платформы, интегрированные с информационными системами налоговых органов.

V. Создание и внедрение в практику цифровых платформ

- 9.** Соответствующим министерствам и ведомствам в двухмесячный срок в рамках специального правового режима обеспечить представление по запросу операторов цифровых платформ имеющихся сведений для оказания государственных и финансовых услуг, предусмотренных настоящим постановлением, посредством Межведомственной интеграционной платформы системы «Электронное правительство» беспрепятственно и без взимания платы.
- 10.** Министерству юстиции и Налоговому комитету в срок до 31 декабря 2025 года обеспечить интеграцию реестров индивидуальных предпринимателей и самозанятых лиц с цифровыми платформами, а также создание технической возможности для удаленной регистрации в качестве индивидуального предпринимателя и самозанятого лица.

11. Центральному банку при внедрении функционала электронного кошелька на цифровых платформах:

(а) в месячный срок обеспечить участие банков в качестве эмитента электронных денег, используемых в рамках платежного функционала цифровых платформ, и предоставить им право на выпуск, учет и возврат электронных денег в соответствии с законодательством о платежных системах и электронных деньгах, а также интеграцию с цифровыми платформами;

(б) обеспечить соблюдение требований законодательства Республики Узбекистан о платежных системах и электронных деньгах, в том числе выпуск, использование, учет и погашение электронных денег, а также идентификацию пользователей, защиту персональных данных и интеграцию с национальной платежной инфраструктурой.

VI. Организация и контроль исполнения постановления

12. Торгово-промышленной палате, Ассоциации малого бизнеса и Налоговому комитету оказать содействие активному и широкому внедрению использования QR-кодов при платежах и расчетах, осуществляемых индивидуальными предпринимателями и самозанятыми лицами, провести широкомасштабную работу по разъяснению преимуществ использования цифровых платформ, принять дополнительные стимулирующие меры по переходу на цифровые платформы.

13. Министерству экономики и финансов совместно с соответствующими министерствами и ведомствами **в двухмесячный срок** внести в Кабинет Министров предложения по внесению изменений и дополнений в нормативно-правовые акты исходя из требований настоящего постановления.

14. Контроль за исполнением настоящего постановления возложить на заместителя Премьер-министра Кучкарова Д.А.

**Президент
Республики Узбекистан**



Ш. Мирзиёев

город Ташкент